

**Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши вазирлигида 2025 йил I чораги давомида коррупцияга
қарши курашиш йўналишида амалга оширилган ишлар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

**I. Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилиши
тўғрисида умумий ахборот.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон, “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармонларига асосан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2024 йил 10 июндаги 268-сон буйруғига асосан вазирликнинг марказий аппаратида 2 нафар штат бирликдан иборат Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ҳамда ҳудудий бўлинмаларда жами 14 та штат бирлигидан иборат Коррупцияга қарши курашиш бўйича бош мутахассис лавозимлари ташкил этилди.

1. Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ҳамда таркибий бўлинмаларни ташкил этиш ва белгиланган тартибда малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги орқали бош мутахассис номзодлар ўртасида танловлар ўтказилиб, танлов натижасида бўлим бошлиғи ва бош мутахассис лавозимларига, шу билан биргаликда 14 та ҳудудий бўлинмаларда ҳам бош мутахассис лавозимига ходимлар ишга қабул қилинди.

- Соҳа ходимларини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва меъёрлари бўйича билим бериш, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини етказиш мақсадида “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ўқув-семинар ва малака ошириш курслари ташкил этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва ўқув курсларини ўтказилди.

- Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022-йил 12-январдаги ПК-81-сон қарори ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор билан Давлат экология қўмитаси томонидан соҳада амалга оширилаётган ишларни ягона мезон асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, бунда баҳолаш **5 та йўналиш 29 та махсус индикаторлар** асосида “Э-Антисор.уз” электрон платформаси орқали амалга оширилмоқда.

- Вазирлик марказий аппаратида ИСО 37001:2016 фаолиятининг барча йўналиши бўйича “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартига мувофиқлик тизимини жорий этиш ҳамда тегишли

сертификатга эга бўлиш учун вазирликнинг 08.01.2024-йил 16-сон (хдфу) буйруғи қабул қилиниб, “СМС СИСТЕМ” МЧЖ консалтинг компанияси маслаҳатчилари иштирокида танишиув тадбири ўтказилди. Ўз навбатида консалтинг компанияси маслаҳатчилари томонидан вазирликнинг марказий аппарати менежмент тизимининг **ИСО 37001:2016** халқаро стандарти талабларига мувофиқлигининг таҳлили бўйича **ҳисоботи қабул қилинди**. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини жорий этиш бўйича бошқарув вакили ҳамда ишчи гуруҳни тайинлаш тўғрисида вазирликнинг 01.04.2024 йил 153-сон буйруғи қабул қилинди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар.

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликни таъминлаш ҳамда тизимни коррупциясиз соҳага айлантириш мақсадида ички буйруқ асосида қуйидаги **Коррупцияга қарши курашишга қаратилган 14 та ички идоравий ҳужжатлар** қабул қилинди.

Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб ахлоқ қоидалари”, “Коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламенти”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида”ги “Давлат харидларини ўтказиш тўғрисида”ги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими тўғрисида”ги Низомлари, “Экология вазирлиги ва тизим ташкилотлари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома”, “Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома”, “Экология вазирлиги ва тизим ташкилотларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарлар (мурожаатлар)ни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Тартиби”, “Экология вазирлиги ва тизим ташкилотларига ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш бўйича Тартиб”, “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Тартиби” тасдиқланиб, мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 31-майдаги ПҚ-171-сон қарорига мувофиқ, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023-йил 26-июндаги 165-сон буйруғи билан **Давлат экологик назорати ва кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда коррупциявий хавфларни барвақт аниқлаш ва камайтириш чораларини кўриш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида “сирли мижоз” институти** жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони ижросини таъминлаш борасида “Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” жорий этилди.

Унга кўра, коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун хабарлар вазирликнинг марказий аппаратида қуйидаги:

Президент виртуал қабулхонаси ([хтtps://пм.гов.уз/](https://пм.гов.уз/));
Расмий веб-сайтдаги алоқа канали (www.есо.гов.уз);
электрон почта – info@есо.гов.уз,
ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Фасебоок расмий саҳифаси ([хтtp://Фасебоок.ком/эсоговуз](http://Фасебоок.ком/эсоговуз)),
телеграм мессенжеридаги ([хтtps://t.me/эсоговуз](https://t.me/эсоговуз));
ишонч телефон рақамлари (+998712071107 ёки 1157);
телеграм боти ([@ЭСОантисор бот](https://t.me/эсоантисорбот)) **алоқа каналлари** орқали йўлга қўйилди.

Бюджет маблағлари сарфланиши жараёнининг **очиқлигини таъминлаш** мақсадида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан амалга оширилган давлат харидлари ҳақидаги маълумотлар расмий веб-сайтга жойлаштирилиб борилмоқда.

III. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар.

а). Коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритиш

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимида коррупцияга қарши қоидаларни ташкилотнинг хўжалик шартномаларига киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимидаги контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотлар амалга оширилиб борилмоқда.

б). Контрагентларни текшириш

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома асосида ишлар амалга оширилиб борилмоқда ҳамда хўжалик шартномалари тўлиқ ўрганилиб чиқилмоқда.

г). Ишга қабул қилиш учун ҳужжат топширган номзодларни текшириш

Марказий аппарат ҳамда вазирлик номенклатурасига кирувчи ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ташкилот тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан текширувлар ўтказилиб келинмоқда.

V. Таълим ва коммуникация.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази томонидан, 2025 йил учун ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув режа ва дастурлар қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан жорий йил 12 феврал куни 72 соатлик “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” йўналиши бўйича “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлари” малакасини ошириш курсининг ўқув Дастури” тасдиқланди.

Мазкур Дастурда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича дарс соатлари киритилди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даврида коррупцияга қарши курашиш мавзусида 2025 йил 1-чораги давомида **тарғибот тадбирлари** ташкил этилди.

Тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш жараёнида 1820 нафар киши қатнашди.

Келиб тушган мурожаатлар:

2025 йилнинг 1-чораги давомида Экология вазирлигига **жами 7 та мурожаат** келиб тушган ва ушбу мурожаатларни 6 таси тўлиқ ўрганилиб, белгиланган тартибда мурожаат муаллифларига жавоб хатлари юборилди ва 1 та мурожат ўрганилмоқда.

Ўтказилган хизмат текширувлари:

Жорий йилда Коррупцияга қарши курашиш ва ички аудит бўлими томонидан 1 та хизмат текшируви ўтказилди.

Минималлаштириш чоралари:

Коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Бош прокуратура билан кўшма йўл ҳарита ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳолат юзасидан **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги** томонидан Бош прокуратура мутасаддилари иштирокида **вазирлик тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган вазифалар бағишланган** видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига келгусида ушбу камчиликларга йўл қўймаслик ва такрорламаслик юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ҳамда хато вва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга қонун устиворлиги ва жазо муқарарлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

VI. 2025 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар:

Биринчи, вазирлик марказий аппаратида **ИСО 37001:2016** фаолиятининг барча йўналиши бўйича **“Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандартига мувофиқлик тизимини** жорий этиш ҳамда тегишли сертификатга эга бўлиш.

Иккинчи, **очик маълумотлар** сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилган ахборотлар расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида алоҳида бўлимга тизимлаштирилган ҳолда жойлаштириш.

Учинчи, **жамоатчилик кенгаши** аъзолари иштирокида вазирликнинг ярим йиллик ва йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган **жамоатчилик эшитувларини** ташкил этиш.

Тўртинчи, **манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари** юзасидан қарор қабул қилиш жараёнларидаги ҳолисликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан мониторингни амалга ошириш;

Бешинчи, вазирлик тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмалар фаолиятини ўрганиш ва самарали ташкил этиш;

Олтинчи, Коррупсиявий хавф-хатар юқори бўлган функцияларни тўлиқ рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш чоралари кўриш лозим.